

Соғлом қалб



Соғлом қалб

Нуқтаи назар

16:20 / 21.12.2025 2499

Соғлом қалб ўз эгасига кўп ибодат қилишни юкламайди, тунлари бедор бўлишни ёки кўп вурд ва зикрларни талаб қилмайди.

Шу билан бирга, бу қалбни ичида олиб юрган киши, дунё ва охираат саодатига эришади. Чунки Аллоҳ таоло унинг озгина ибодати учун ҳам уни мукофотлайди ва Ўз розилигига эриштиради.

Бунинг сабаби, соғлом қалб эгаси барча ахлоқий носозликлар ва зиддиятлардан узоқ, энг олий мақсадлар билан банддир. Энг олий мақсад эса бандалар Раббисининг розилигига эришишдир.

Шайх Муҳаммад Саид Рамазон Бутий